



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ярмарка

## Экспорт салоҳияти ошмоқда



Тошкентда бўлиб ўтаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида серкўёш заминида етиштирилган ширин-шакар мевалар, полиз маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

«Ўзбекизоқватхолдинг», «Ўзвино-саноат-холдинг» холдинг компаниялари, «Ўзбекизоқватзахира» уюшмаси, «Ўзгагроэкспорт» ташки савдо компанияси ва «Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси» масъулиятли чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга ихтисослашган компаниялари иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ноёб турроқ-иклим шароити, мамлакатимизда кўёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви юқори сифатли мева-сабзавот етиштириш учун айни мuddаодир. Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда аграр секторни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар қўйилган самараларни бермоқда. Маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ортиб, ички эhtiёжни таъминлаш баробарида, экспорт ҳажмини янада оширишга эришилди. Бинобарин, Ўзбекистон қисқа давр ичида мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича дунёдаги етакчи ўн та давлат қаторига кирди.



Халқаро мутахассисларнинг эhtiрофида, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари сархиллиги, хуштаъмлиги, энг асосийси, фойдали ва тўйимлилиги билан минтақа ва жаҳон бозорига жуда харидорғир. Шунинг учун ҳам мева ва сабзавотларимиз юқори нуфузга эга бўлган товар белгисига айланиб, уларни соғиб оладиган мамлакатларда юксак рақобатбардорлиги билан ажралиб турибди.

Жорий йилнинг 12-15 июл кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам бунинг ёрқин исботидир. «Ўзбекизоқватхолдинг» холдинг компанияси маълумотларига кўра, ярмарка якуллари бўйича қиймати 2 миллиард доллардан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 270 та шартнома имзоланган. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавот, 25 фоизини узум, 20 фоизини мева,

17,6 фоизини қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилган.

— Савдо ярмаркасида «Quvasoy quruq mevalari» хусусий корхонаси Хиндистоннинг «Chav's enter prises» корхонаси билан куруқ меваларни экспорт қилиш бўйича 1 млн. 100 минг АҚШ доллари миқдорига шартнома имзоланди. Худди шундай келишув АҚШнинг «Cky group INC» корхонаси билан ҳам тузилди. Авваллари маҳсулотларимизни Россия, Беларусь, Украина, Малайзия давлатларига сотган бўлсак, ушбу ярмарка орқали экспорт географиямизни кенгайтирдик, — дейди «Uzagroexport» акционерлик жамиятининг Фарғона вилояти бўйича вакили Акмалжон Эргашев.

— Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси хорижий харидорлар билан яқин алоқалар ўрнатишимизда муҳим қадам бўлди. Ярмаркада «Shovot trade impex» МЧЖ ва БАА-



нинг «Kazkor FZE» корхонаси ўртача 2 минг тонна мош экспорти бўйича 1 млн. 340 минг долларлик шартнома имзоланди. Шунингдек, «Hozograsp savdo» шўъба корхонаси Қозғистонга 6 минг 320 тонна 20 турдан ортик ҳўл ва куруқ мева, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди, — дейди Хоразм вилоят ҳоқимлиги худудларни комплекс ривожлантириш ййгма бошқармаси мутахассиси Жамсур Қаландаров.

Ярмарка доирасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва уларнинг ҳамкорлари иштирокида давра суҳбатлари, музокаралар ташкил этилиши, ярмарка қатнашчиларининг интенсив боғлар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, совитиш комплексларига ташриф буюриши ҳам режалаштирилган.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«Ishonch» муҳбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

4 декабр — Сайлов куни

## Президент сайлови — демократик янгиланиш ва ислохотлар кўзгуси

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди.



ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу сайловнинг мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти, миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, сайловга кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг бевақт вафоти барчамиз, бутун халқимиз учун оғир художик бўлди, — дейди М.Абдусаломов. — Юртбошимиз республикамиз девяри жар ёқасига келиб қолган, оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда кескин норозилик кайфиятини туғдирган мураккаб ва таҳликали бир пайтда республика раҳбари этиб сайланган эди. Буюк Йўлбошимиз ўзининг оқил ва доно сийбати, узоқни кўра олиши, ҳар бир муаммо ва масаланинг очини устида чуқур ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиши натижасида нафақат ўша даврда вужудга келган вазиятнинг янада чуқурлашиб, олов олиб кетишининг олдини олишга эришди, балки Ватанимиз истиклолини эълон қилиб, уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиши, халқ фаровонлигини, унинг ҳаёт сифатини ва даражасини мутасил ошириб бориш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида оламшумул ютуқларга эришди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган кўлаб қонун ҳужжатларининг ташаббускори ва ижодкори бўлди. Ўзбекистонда демократик таъмоилларга тўлиқ жавоб берадиган миллий сайлов тизими ва қонунчилиги яратилгани ҳам бевосита Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Бу ҳақда гапирганда, аксарият хорижий мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг кўлаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир, деган фикрда эканини айтиб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда яратилган ана шундай демократик сайлов қонунчилиги парламент, Президент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96- ва 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5- ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни, деб белгилади ва 9 сентябрдан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилди.

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистонда давлат бошқарувида президентлик институти асосий ўрин тутди. Мамлакатимиз ҳали собиқ иттифоқ таркибид бўлган даврда Ислам Каримов асос солган бу институти мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадам эди. Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритганидан кейин президентлик институти ўзининг том маънодаги мазмун-моҳиятига эга бўлди.

## САЙЛОВ — 2016

### Сарвар Отамуратовнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 9 ноябр куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган учрашуви Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Б.Бозоров оқди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Бобомуродова ййгилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов сайловдаги дастурида белгиланган вазифалар юзасидан нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида Навоий вилояти алоҳида ўринга эга. Хусусан, юртимизда ишлаб чиқарилаётган саннат маҳсулотларининг 10 фоизи, жумладан, цементнинг 45, минерал ўғитларнинг 30, электр энергиясининг 16 фоизи Навоий вилояти хиссасига тўри келади. Навоий конметаллургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» корхоналари, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Электр кимё заводи» каби ййрик қувватлар мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим асоси ҳисобланади. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Навоий вилоятида ташкил этилган эркин иқтисодий зонадаги 19 корхонада 100 дан ортик турдаги замонавий саннат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Номзоднинг сайловдаги дастурида миллий тикланишдан миллий юксалиш сари эзгу гоиси асосида иқтисодиёт, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий, суд-ҳуқуқ, ахборот, спорт ва ташки сийбат соҳаларида бир қатор вазифалар белгиланган. Дастурга иқтисодиёт соҳасида халқнинг миллий тикланиши — иқтисодий ислохотларнинг негизидир таъмоилли асос қилиб олинган.

Дастурда эришилган ютуқлар билан бирга, келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар, жумладан, Навоий эркин иқтисодий зонасида транспорт-логистика тармоғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни давом эттириш, импорт ўрнини босадиган маҳаллий ҳомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни самарали кўлаб-қувватлаш, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божжона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан кўлаб-қувватлаш чораларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши депутати Ф.Ражабов, «Учқудук» газетаси бош муҳаррири Р.Қодирова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўлпартявийлик ва муқобиллик асосида, демократик таъмоилларга мос ўтаётганини таъкидлаб, Президентликка номзоднинг сайловдаги дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

### Хатамжон Кетмоновнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 9 ноябр куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашуви халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати А.Раҳимов оқди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Сабуров ййгилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов ўз сайловдаги дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самарасида мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилди, вилоят шаҳар ва қишлоқлари замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли фаровонлиги мутасил юксалиб бормоқда.

Номзод ўз сайловдаги дастурида миллий манфаатларга содиқлик, мустақиллигимизни асраш ва янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжихатлик, ижтимоий барқарорлиқни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсоди — ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадлар муҳассас эканини таъкидлади.

Дастурда кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, меҳнат қонунчилигида айлаларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёزلардан кенг фойдаланиш учун янада мақбул шароитлар яратиш, аҳоли бандлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини тақомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сўғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, турли имтиёзлар орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини қонунчиликка киритиш, меҳнат муҳофазаси қўдаларини бузганлик учун тадбиркорларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш лозимлиги илгари сўрилган.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сийбат масалалари бўлими бошлиғи Н.Одамбоева, «Халқ сўғурта» масъулиятли чекланган жамияти сўғурта компанияси Хоразм вилояти филиали директори О.Раҳимов, Урганч давлат университетини талабаси Р.Ҳожиев, Хонқа энгил саннат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Ж.Қурбонова ва бошқалар номзоднинг сайловдаги дастури ҳақида ўз фикрларини билдирди. Сайловчиларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

### Наримон Умаровнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 9 ноябр куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашуви Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Д.Ҳамдамова оқди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Турсунов ййгилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўзининг сайловдаги дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам юқори ўсиш суратларига эришилмоқда. Бунинг сўғига беш йилда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган, ялпи худудий маҳсулотда саннатнинг улуши 24,7 фоиздан 30 фоизга етгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу даврда вилоят иқтисодиётида умумий қиймати 7 миллиард 200 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан 3 миллиард 900 миллион долларни хорижий инвестициялардири. Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи, Газли нефть-газ мажмуаси, «Дзу текстил Бухоро», «Кнауф гипс Бухоро» каби ййрик корхоналар мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Номзоднинг сайловдаги дастурида аҳолининг барча қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, Бухоро вилоятининг табиий иқлим шароитини, ер ва сув ресурсларининг шўрланиш даражаси юқорилигини инобатга олган ҳолда, худудда тиббий хизмат даражаси ва сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий қишматлар билан қамраб олиш тизимини тақомиллаштириш, дори воситаларининг ноконуний айлиниши, сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. «Ижтимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демократия» таъмоиллиги таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасида келиб чиқиб меҳнат қилиши инобатга олиб, муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиш учун кенг имкониятлар яратиш зарурлиги қайд этилган.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев, Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири И.Абдулҳақов, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Б.Ғиёсов, Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ш.Мадиева ва бошқалар номзоднинг сайловдаги дастури юзасидан фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Раёсат йиғилиши

# Фаолиятда бурилиш бўлса...

**Самарқанд шаҳридаги «Нодир Самарқанд» мехмонхонасида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.**

Республика кенгаши раиси вазифини бажарувчи Тўхта Бозоровнинг маърузасида давр билан ҳамоханг ривожланаётган тармоқда ходимларнинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари, ижтимоий шериклини ривожлантириш асослари, тубдан такомиллаштириш бўлиб ўтган таълим ва тақдирлари билан ҳамкорликнинг амалий услубларига алоҳида эътибор қаратилди. Эътироф этилгандек, давр касаба уюшма ташкилотларидан изчил излашни олиб боришни талаб этмоқда. Агросаноат тизимидаги босқичма-босқич тузилмавий такомиллаштириш, фермер хўжалиқларининг оптималлашуви соҳа истиқболини таъминлабгина қолмасдан, тармоқ меҳнаткашлари ҳаётида ҳам туб бурилишлар ясаётди. Кишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган фермерларнинг аксарияти махсулотни имкон

қадар қайта ишлаш, саноатнинг кичик бўлса-да муайян бир турини ўзида шакллантириш ҳаракатида бўлаётди. Кўришиб турибдики, далада ишлаётган киши ҳам муайян билим ва кўникмага эга бўлмоғи даркор. Мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилган сиёсат туфайли тармоқда замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрланмоқда. Худудларда фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари битирувчилари ана шу талабларга жавоб бермоқда. Ўтган даврдаги фаолият таҳлилида тизимда ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги аён бўлди. Жумладан, ер майдонлари оптимизация қилиниши туфайли республика бўйича 60 миңдан ортиқ янги фермер хўжалиқлари юзага келди. Таркиб топган хўжалиқ-

ларда бугунги кунда 156 миң нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Бинобарин, ушбу хўжалиқлар билан ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатиш, шу асосда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ишловчиларга жамоа шартномалари орқали кўшимча афзалликлар берилса нур устига аъло нур бўларди. Тармоқ ходимлари Республика кенгаши бу борадаги сусткашликнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг апрел ойида Тошкент вилоятида кўргазмали семинар ташкил этди. Бундан ташқари, жойларда давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди. Таъкидлаш ўринли, ўтган даврда тармоқ меҳнаткашлари ва улар оиласини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоа шартномалари орқали эҳтиёжманд оилаларнинг олий ўқув юртрадида тахсил олаётган 345 нафар талаба фарзанди шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. 303 та корхонада маъмурият ва касаба уюшма

келишувига мувофиқ 500 нафардан зиёд ёш ходим бошқа касбга ўқитилди ҳамда малакаси оширилди. Бундан ташқари 323 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган тажрибали ходимлар ёшларга касб кўникмаси ҳосил қилишда қўмақлашгани учун тақдирланди. Ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, хавфсиз, кафолатланган иш ўринлари яратилиши устидан кузатув ва мониторинг олиб борилди. Тармоқ ташкилотлари жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофазалаш қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг қарийб 80 фоизи амалга оширилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятини ўрганиш давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан мутаассадиларга тақдирномалар киритилди. Раёсат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

**Бугунги кунда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, бу орқали аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини янада яхшилаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги ислохотлар самарасини Урганч туманидаги «Чотқўпир» кишлоқ врачлик пункти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.**

## Эл саломатлиги йўлида

— Муассасамиз 6 миңдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди ҚВП муdiri М.Рўзметова. — Демак, зиммамизда шунча инсоннинг саломатлигини назорат қилиш масъулияти бор. Ўтган давр мобайнида 19 миң 467 та қабул уюштирдик. Бундан ташқари, умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалар белгиланган тартибда хонадонларга ташриф буюриб, элдошларимиз соғлигини кўздан кечиради. Хонадонда санитария-гигиена қоидаларига амал қилинишини таҳлил қилади. Касаллик келиб чиқишига сабаб бўлувчи ижтимоий омилларни ўрганади. Буларнинг барчаси умумлаштирилиб, маҳалла фаоллари билан биргаликда муҳокама этилади. Ҳамкорликда ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш чоралари қўрилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси сифатида кейинги йилларда худудимизда оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Оғир хасталиқлар туфайли ҳаётдан эрта куз юмиш кескин камайди.

Дарҳақиқат, фидойи жамоа — эл саломатлигига кўрган. 14 ёшгача бўлган 1300 дан зиёд болалар соғлиги алоҳида назорат қилинади. Ҳомиладорлар билан ишлашда нафақат билим ва тажрибага, меҳрга ҳам таянилади. Эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниқоҳнинг олдини олиш юзасидан тарғибот тадбирлари олиб борилади. Бу йил янги турмуш қурган 28 та оила соҳиблари никоҳдан олдинги тиббий кўриқ билан тўла қамраб олинди. 1600 нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар ўртасида туғруқлар оралиги, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, бола парвариши, кўрак сутининг аҳамияти ва бошқа долзарб мавзуларга доир суҳбатлар, маърузалар мунтазам ташкил қилинмоқда. Юқумли касалликларнинг олдини олиш чоралари кучайтирилган.

— Шу кунларда, айниқса, грипп ва шомоллаш касалликларни профилактикасига алоҳида эътибор қаратганимиз, — дейди ҚВП муdiri. — Шу мақсадда хонадонларда, ма-

таб ва МТМларда гриппнинг олдини олиш чораларини кўрялмиш, хасталик белгилари кузатиладиган қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлигини тушунтирялмиш. Кишлоқ аҳли билан суҳбатлашиб, аҳоли чиндан-да ҚВП жамоасидан мамнун эканлигига гувоҳ бўлди. — Бу бош не кунларни кўрмади, — дейди 86 ёшли Анажон мома Бобононова. — Ёшлигимиз даҳшатли уруш йилларига тўғри келди. Фронт ортида хизмат қилди. Кейин тикланиш йилларида, қорнимиз гоҳ тўйиб, гоҳ оч, устимиз юпун яшадик. Бугун Аллоҳга шукр, дастурхонимиз тўкин, устимиз бут. Шифо даргаларининг меҳрибонлигини айтмайсизми! Муассархон қизимни ҳар кун дуо қиламан. Шундай шифокорлигимиз бор бўлишин. Уларга имконият яратиб берган ҳукуматимизга раҳмат. — Мен бир кам етмиш ёшдаман, — дейди Эркин ота Отажонов. — Шифокорларнинг хонадонларимизга ташриф буюриб, соғлигимизни назорат қилишларидан жуда миннатдорман. Ҳамшираларимиз тез-тез қон босимимизни, юрагимизни текшириш-соғлиги алоҳида назорат қилинади. Ҳомиладорлар билан ишлашда нафақат билим ва тажрибага, меҳрга ҳам таянилади. Эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниқоҳнинг олдини олиш юзасидан тарғибот тадбирлари олиб борилади. Бу йил янги турмуш қурган 28 та оила соҳиблари никоҳдан олдинги тиббий кўриқ билан тўла қамраб олинди. 1600 нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар ўртасида туғруқлар оралиги, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, бола парвариши, кўрак сутининг аҳамияти ва бошқа долзарб мавзуларга доир суҳбатлар, маърузалар мунтазам ташкил қилинмоқда. Юқумли касалликларнинг олдини олиш чоралари кучайтирилган.

**Улли БОБОЕВ**

Касаба уюшма ҳаёти

**7 та йўналиш бўйича 1103 нафар ўқувчи тахсил олаётган Гулистон қурилиш касб-хунар коллежида бу йил Ўзбекистон — Швейцария касб кўникмаларини ривожлантиришга оид лойиҳаси асосида 3 та гуруҳ очилди. Ўқувчилар қулай шароитларда замонавий билимларни эўр қизиқиш билан эгаллашмоқда.**

## Энг ғамхўр ҳимоячи

Ютуқлар ҳам шунга яраша. Жумладан, Малайзияда бўлиб ўтган армрестлинг бўйича халқаро турнирда Отабек Жаббаров 2-ўринни эгаллаган бўлса, Мирқомил Тўрамирзаев Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган кўл кураши бўйича турнирда 60 кг. вазн тоифасида муносиб иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, 134 кишилик меҳнат жамоаси томонидан амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёни таҳсинга лойиқ. — Ходимларни ижтимоий муҳофазалаш қилиш, меҳнат ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бирламчи вазифаларимиз сирасига киради, — дейди бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Феруза Мамажонов. — Муассасамизда кўп йиллар фаолият юритган, ҳозирда нафақада бўлган ўқитувчилар ҳолидан хабар олиш аёнана тусига кирган. Байрам тадбирларида фахрийларимиз ва ёш кадрлар учрашуви эса ўзига хос тажриба мактаби бўлмоқда. Шунингдек, тез-тез спорт тадбирлари ўтказиб тура-миш. Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ташкил этилган футбол мусобақасида жамоамиз вилоятда 1-ўринга лойиқ топилди. Ҳар йили юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат уюштирамиз. Бу йил ҳам кекса ходимларимиз ва аёллардан иборат 44 киши Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди. Шу билан бирга, ишчи-ходимларни соғломлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Уч нафар ходим «Зомин», «Чортоқ», «Чинобол» сыхатохларида дам олдирилди. Федерация кенгашининг «Касаба уюшмалари — аёлларга» акцияси доирасида ходимимиз «Умид гулшани» санаторийсида бепул даволаниш муолажаларини олиб қайтди. Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшмасининг ҳар жабҳада ғамхўрлиги сезилиб турибди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири**

Учрашув

## Муштарийлар муносабати, таклиф ва тавсиялари

**газеталаримиз мазмун-мундарижасини бойитишга хизмат қилади**

**Айни кунларда, аёнанага мувофиқ, жойларда газетхонлар билан учрашувлар ташкил этилаётди. Юзма-юз мулоқотлардан кўзланган асосий мақсад муштарийларнинг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига муносабати, шунингдек, таклиф ва тавсияларини ўрганишдир. Бу эса газеталаримиз мазмун-мундарижасини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади.**

Шу нуқтаи назардан, юртимизнинг обод ва гўзал масканлардан бўлиши Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларига уюштирилган сафар жуда мазмунли ва таассуротларга бой бўлди.

**«НАМАНГАНГА ХУШ КЕЛДИНГИЗ!»**

Таҳририятнинг бир гуруҳ ижодкорлари билан бўлган учрашув айтиш мумкинки, иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди. Муҳими, муштарийлар томонидан билдирилган илиқ тилақлар, самимий изҳорлар ҳамда ижодий таклифлар «Ishonch» ижодкорларига ўзига хос рағбат бўлди, дейиш мумкин.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайхо Маҳкамова тизимнинг серкўлам иш жараёнини батафсил ёритишда таҳририят ходимларининг алоҳида хизматини эътироф

этиб, бундан буён ҳам долзарб мавзулардаги мақолалар билан газетхонлар қалбига чуқурроқ кириб бориш йўлида муваффақиятлар тилади. — Бизнинг ниятимиз ҳам ўқувчи ишончини оқлаш, — деди таҳририят бош муҳаррири ўринбосари Зайниддин Рихсиев. — Касаба уюшмалари ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларнинг тезроқ жойларга етиб боришида, ўйлайманки, биз журналистлар ҳам баб-баравар масъульдимиз. Газетаимизнинг мазмун-мундарижасини бойитишда ўқувчи фикрига қулоқ тутиб, шу пайтгача адашмадик. Ушбу аёнанага содиқ қолиб, ўз нашингизинг янада кўнгилга қўн бўлишида нималарга эътибор қаратиш хусусида фикрлашиб олсак, айни муддао бўларди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, эзгуликни мақсад қилган инсон ҳаммиса қолиб. Мазкур нашрлар муассиси — Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-

рациясининг мақсади ҳам, фаолияти ҳам эзгуликка, инсонга наф келтиришга йўналтирилган. Муассис фаолияти, кундалик ҳаётини изчиллик билан тарғиб қилиш ниятида ташкил этилган газеталарнинг устувор мақсади ҳам эзгулик асосига қурилган. Бир-биримизга яхшиликларни, яхши кунларни, яхши хабарларни илсинсак, оладиган жавобимиз ҳам фақат яхшилик бўлади. Буни муштарийлар билан учрашувлар чоғида янада теранроқ аниқлаш мумкин. Қуйида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашган касаба уюшма фаолларининг таклифларини ҳукмингизга ҳавола этамиз.

**Мирзамаҳмуд ТҲУТБАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман кенгаши раиси:**

— Ҳар бир соҳанинг ишни ташкил қилишда ўзига хос ва мос йўриқномалари бўлади. «Ishonch» биз касаба уюшма фаоллари учун ана шундай муҳим манба, десак янглишмаймиз. Шунинг учун ҳам тармоғимиз фаоллари мавсум аввалидаёқ ўз нашрларига бажонидил обуна бўлишади. Шу ўринда таклиф: меҳнат қонунчилиги борасидаги мақолаларни ҳаётини мисоллар билан бойитишга эътибор берилса, бошланғичлар фаолиятига жуда катта фойда бераётган «Савол беринг, жавоб берамиз» рунки остидаги чиқишлар янада кенгайтирилса...

**Мавлонбек ЗАРИПОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти:**

— Авваллари касаба уюшмалари ҳуқуқшунослари фаолиятига доир очерклар берилиб, ходимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланишига доир жараёни ёритиш орқали ўқувчилар ўз ҳуқуқини чуқурроқ аниқлаб боришига ақиндан қўмақлашларди. Биз ҳам ўз навбатида ўзимиз учун янгиликлардан хабардор бўлардик. Ана шу аёнана қайта йўлга қўйилса...

▲(4).

Семинар

## ИИТлар раҳбарлари учун



**Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан уюштирилган семинарда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбир аввалида муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизгин паллага киргани таъкидланди. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда адлия идоралари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритилди. ИИТлар фаолиятини такомиллаштиришга доир Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда адлия бошқармаси масъул ходими Ш.Эшимова маърузаси тингланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан тегишли жавоблар олишди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**


Ислохот

## Тиббиёт марказида мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилади

**Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси қошида замонавий лапароскопия ўқув маркази фойдаланишига топширилди. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг «Юқори технологик тиббий асбоб-усқуналардан фойдаланиш бўйича тиббий ва техник мутахассисларнинг малакасини ошириш» лойиҳаси асосида ташкил этилган марказнинг очилишида жамоатчилик вакиллари, етакчи олимлар, пойтахтдан ташриф буюрган тажрибали амалиётчи ва шифокорлар қатнашди.**

Тадбирда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигига соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш борасида олиб борилган ислохотлар инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўришида муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Соғлом она ва бола йилида рўёбга чиқарилган мазкур дастур бу йўлдаги кенг қамровли тадбирларнинг манتيқий давоми эканлиги таъкидланди. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг лойиҳа раҳбари Гунав Штротте Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида шакллантирилган ўзига хос тизим, эри-

шилаётган натижаларни юқори баҳолади ҳамда ўзаро ҳамкорлик катта самаралар беришига умид билдирди. Ўқув маркази замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, назария ҳамда амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун барча шароит мумкин. Бунинг учун 355 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада нафақат вилоятда, балки Фарғона vodiysida аниқ ва тезкор ташхис қўйиш, даволаш ҳамда мазкур йўналишда шифокорларнинг тажрибаларини ошириш имкониятлари кенгайди. Асбоб-усқуналардан барча турдаги жарроҳликда фойдаланиш мумкин. Лойиҳа доира-



сида клиниканинг уч нафар мутахассиси Германия ва Францияда малака ошириб келди.

Тадбир доирасида ўтказилган семинарда иштирокчилар жаҳон тиббиёти соҳасидаги сўнги янгиликлар билан танишдилар. Германиялик олимлар ҳамда Республика шифолиқ тиббий ёрдам илмий маркази мутахассислари томонидан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатаётган жарроҳлар, ёш шифокорлар учун маҳорат дарслари ташкил этилди.

**Нурилло НҲЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири**



ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Муштарийлар муносабати, таклиф ва тавсиялари

газеталаримиз мазмун-мундарижасини бойитишга хизмат қилади



(2).

Нўмонжон ИБРОХИМОВ, АСМ ходимлари касба уюшмаси Наманган туман кенгаши раиси:

«Маънавият соатлари» ўтказилгани ҳақидаги ахборотларни газета саҳифаларида ўқиб тураман. Бу яхши, аммо «Касаба уюшма фаолига кўмак» рункида «Маънавият соатлари»да фойдаланиш учун методик тавсиялар, турли мавзуларда фойдаланиш учун маълумотлар бериб берилса яна ҳам яхши бўларди.

Дилшод ТЎХТАБОВЕВ, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий сугурта бўлими мудири:

Дам олиш саҳифаларида жаҳон адабиёти дурдоналарига ҳам жой ажратилса, деган фикрда эдим. Чунки адабиёт кучи ҳақиқат буюки, қолаверса, қадрдон газетада ана шундай қимматли асарларни ўқиб завқи барибир бошқача-да!

Тахририят вакиллари соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари тармоғига аъзоликка жалб этилган Наманган тиббий диагностика маркази фаолияти билан яқиндан танишишди.

Таъкидлаш ўринлики, икки йил олдин — 2014 йил ноябрда хорижлик сармоядорлар ҳамкорлигида иш бошлаган мазкур тиббий маскан вилоят ижтимоий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди. Утган уч ой ичида 5000 нафар миқознинг диагностика борасидаги танлови айнан шу ерда бўлганлиги ҳам фикримизни исботлайди.

Марказнинг 17 нафар ходими доимий равишда ўз устида изланиб, миқозлар талабига муносиб малакали хизмат кўрсатишнинг уйдасидан чиқшимда. Бу ерда замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида қоннинг барча турдаги, шунингдек, гормон, шили хусусиятга эга касалликлар, вирусли, замбуруғли, бактериал, паразитар инфекцияларни аниқлаш ва ташхислаш каби 200 га яқин амалиёт бажарилади. Шунингдек, она ва бола саломатлиги учун ўта зарур, ҳомиллага хавф солувчи омилларни аниқлаш юзасидан текширувлар ҳам синчковлик билан амалга оширилмоқда.

Бизнеспнинг замонавий талаблари ривожланиб, тиббиёт соҳасини ҳам қамраб олганлиги барчага аён. — Дедим марказ бош врачси Матлуба Исомова. — Аммо биз ҳақиқат тиббиёт мезонларини биринчи ўринга қўямиз. Мақсадимиз, аввало, даво истаб келган инсоннинг кўнглини кўтариш, тиббий ташхиснинг тўғри ва аниқ қўйилишини таъминлаш. Чунки тўғри ташхис шифо-

нинг асосидир. Врач ҳар қанча моҳир бўлмасин, ташхисга эҳтиёж сезади. Бу борада бизни танлаганлар тўғри қилишганини эътироф этишганда, албатта, хурсанд бўламиз.

Дарҳақиқат, тармоқ касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Бобур Тошпўлатов ҳамроҳлигида марказни кўздан кечириб эканмиз, эътирофлар беҳиз эмаслигини англадик. Аввало, ходимлар учун меҳнат хавфсизлиги таъминланган: зарур иш кийимлари, гигиена воситалари, муносиб шартитда ишлаш, ўз навбатида шунга яраша ҳақ олиш. Миқозлар учун эса кириш эшиклариданоқ илқ муҳит юз очаетгандек: беихтиёр хориж клиникалари эсингизга тушади ва яна хурсанд бўласизки, бунинг ҳаммаси Ўзбекистонда. Юртимизда бундай кўркам, қулай муассасалар қурилиши оғдий ҳолга айланмоқда. Мазкур тиббий марказнинг Фарғона, Андижон, Хоразм, Тошкент шаҳарларида фаолият юритаётган филиаллари ҳам ана шундай замонавийликнинг бир кўринишидир.

Касаба уюшмасига аъзоликни тарғиб қилиш мақсадида бу ерга келганимда директор билан узоқ суҳбатлашдик, — деди Б.Тошпўлатов. — Ташкилот афзалликларини, инсонга наф келтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни тинглай туриб, бу каби хайрли ишларга биз ҳам ҳисса қўшимиз мумкин, деган ижобий таклифини олдик. Дарҳақиқат, «NTD»-чилар деганда ҳозир кўпчилик муайян тасаввурга эга: узоқ ҳудудларда бепул лаборатория текширувлари ўтказишгани ҳам, Мехрибонлик ўйи тарбияланувчиларига кўрсатилган хайриялар ёхуд ижтимоий химояга муҳтожлар учун имтиёзлар фикримнинг асосидир.

Кўнгилдаги гаплар очик айтилди

Журналистларнинг газетхонлар билан очик ва самимий мулоқотлари нашр мазмун-мундарижасини бойитиш, мавзулар доирасини кенгайтириш ҳамда газетанинг ўқишлилигини оширишда катта аҳамиятга эга. Сабаби бундай учрашувларда кўнгилдаги гаплар рўй-рост айтилади, жамоатчиликни қизиқтираётган масалалар ўртага ташланади. Андижон вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси томонидан соҳа фаоллари ҳамда турли ёшдаги ўқувчилар иштирокида ўтказилган маърифий тадбирда айна шу жиҳатлар яна бир қарра ўз исботини топди.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев тадбирни очар экан, Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида катта ўзгаришлар рўй берганига эътиборни қаратди. Жумладан, давлатимиз томонидан турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳудудда изчиллик билан рўйбга чиқарилиб, Ватан тараққиётига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айниқса, бунёдкорлик, ободончилик, қишлоқ хўжалиги жабҳаларида катта тажриба мактаби яратилганлиги, таълим, спорт, маданият, санъат каби қатор йўналишларда оламшумул ютуқлар қўлга киритилганлиги фахр-ифтихор туйғуларини жўшурди. Обод замин аҳлининг муваффақиятлари, ибратли ташаббуслари, орзу-интилишлари ўй-фикрлари газеталаримиз саҳифаларидан тўшмай келаётгани, албатта, қувонарли ҳолдир.

Учрашувда Мустақиллигимиз асосиски, Биринчи Президентини Ислоом Каримовнинг мамлакат равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги бекиёс хизматлари, айна пайтдаги сиёсий жараён — сайлов кампаниясининг бориши, касба уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза этиш билан бо-

лиқ қончиликка киритилган янгиликларнинг аҳамияти сингари кўплаб масалалар хусусида сўз борди. Халқ фаровонлигига хизмат қилаётган ислохотлар моҳиятини янада кенг тарғиб этиш баробарида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида кўзга ташланаётган муаммоларни жамоатчиликка етказиш ҳамда баргараф этишда мағбуотнинг ўрни ва аҳамияти катта эканлиги таъкидланди.

Газеталаримиз ходимларнинг меҳнат муносабатларига оид тушунча ва тасаввурлари, ҳуқуқий саводхонлигини кенгайтиришда ўзига хос услубга эга, — деди тахририят бўлими муҳаррири Акмал Тосшев. — Ранг-баранг рўкнлар остида эълон қилинаётган мақолалар кўпчилик ўқувчиларни ўйлантираётган масалаларга ойдинлик киритиш билан бирга, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Газетхонларимиз муносабати, таклифлари эса нашрларимиз мазмунини янада бойитишда хал қилувчи аҳамиятга эга.

Шунингдек, Агрисаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Асака ва Андижон туманлари кенгаши раислари Хидоятилло Аҳмедов ва Қозимжон Турғунов, Андижон давлат университетини бошланғич касба уюшма кўмитаси мутахассиси Екатерина Смесова, Андижон банк коллежи ўқувчиси Мадина Мирзамаҳмудова ва бошқалар нашрларнинг ўқишлилигини ошириш, эътибордан четда қолаётган ҳамда ёритилиши зарур бўлган бир қатор мавзулар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муштарий газета саҳифаларига кўз ташларкан, унда ҳаётлиқни кўришни хоҳлайди. Қувончу ташвишлари акс этишини истаيدди, — дейди Олтинқул транспорт коллежи ишлаб чиқариш устаси Анваржон Бозоров. — Шу маънода газетада таҳлилий ва танқидий ёндашув асосланган материалларга кўпроқ ўрин ажратилса, муштарийларнинг дилидаги иш бўлган бўларди.

Шу кунги ижодий жамоа Андижон туманининг Ёрбоши қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Салом ҳамкор текстил» хусусий корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни, ходимларга яратилган имконият ва шартитлар билан танишди. Тадбиркор Умидажон Ҳошимова ташаббуси билан 2011 йили ташкил этилган корхона аёл-



лар либослари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Ипотекабанк»нинг 100 миллион сўм кредити эвазига фаолиятни йўлга қўйган жамоа беш йил ичида ички ва ташқи бозор талаблари асосида ривожланаётган. Сифатли, харидор-гир маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилганлиги боис замонавий кийим-кечакларга бўлган қизиқиш катта.

Сўнги икки йилда бу ерда кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Корхона даромади ҳамда тижорат банкнинг 250 миллион сўм миқдоридagi кредити ҳисобига қўш қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Япониянинг «KANSAI special» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 60 та тикув машинаси харид қилинди. Ҳозир 52 нафар хотин-қиз меҳнат билан банд. Қўлигул чеварлар тайёрлаётган 30 турдан зиёд либосларга бўлган эътибор ортача бораётган. Харидорларга бир ойда ўртача 200 миллион сўмлик кийим-кечак етказиб бериляпти.

Дарвоқе, корхона Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши томонидан тизимга жалб этилиб, бошланғич кўмита ҳамда иш бевуқий ўртасида жамоа шартномаси тузилган, ижтимоий химоя янада яшиланиб, унга кўра, транспорт хизмати, махсус кийим-бош, иссиқ оқват ва сут-қатиқ таъминоти изчил йўлга қўйилди. Меҳнат унвондорлигига қараб, илгорларни кўшимча рағбатлантириш ҳамда бошқа қатор имтиёзлар борасида адолат

мезонига амал қилинади. Тармоқ туман кенгаши раиси Муҳаммадшариф Ҳўжаевнинг таъкидлашича, корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳам намунали.

Ижодий жамоа билан ишчилар ўртасидаги мулоқотда корхонанинг келгуси режалари, касба уюшмалари тизимидаги янгиликлар хусусида сўз борди.

САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Айни кунларда даврий нашрларга келгуси йил учун обунга мавсуми давом этмоқда. Муштарийлар хоҳиш-истаги, талаб ва таклифлари келгуси йилда газеталарнинг янада сермазмун ва ўқишли бўлишида муҳим ўрин тутайди. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятининг жўлларда ташкил этаётган учрашувларидан кўзланган мақсад ҳам шу.

Ҳуқуқимизнинг томонидан қабул қилинаётган қарор ва дастурлар ихросига таҳлилий ёндашиш, касба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш, илгор тажрибаларни омаллаштириш, фаоллар ҳаётини кенг ёритиш тахририятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Тахририят ва муштарийлар, касба уюшма фаоллари ўртасидаги ҳамкорлик эса мақолалар сифати ва самардорлигини оширади.

Фарғона вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган мулоқотда айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Газета олдида турган долзарб вазифалар ва келгуси йил режалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Шундан сўнг муштарийлар талаб ва таклифлари ўртага ташланди.

Юридик бўлимига аҳолидан кўплаб мурожаатлар келиб тушади. Истардики, уларнинг ихроси газета саҳифаларида тўлароқ ўз инфодасини топса. Бундан ўқувчилар ҳам манфаатдор. Қолаверса, журналист воқеа-ҳодисаларнинг ичига кириб бориб, батафсил ўрганса, чоп этилаётган мақолалар ўқишлилиги янада ошишини ҳаммамиз биламиз, — деди бирлашма юридик бўлими мудири О.Қозимов.

Ушбу таклиф юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган экан, бунда касба уюшма фаоллари ва мутахассисларнинг фаол иштироки ҳам лозимлиги қайд этилди. Негаки, юридик материалларнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Мутахассис эса ҳуқуқий жараённи чуқур билади ва таҳлилий материал тайёрлашда журналист билан яқиндан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Газета саҳифаларида юртимиз сиҳаттоҳлари ва дам олиш масканлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб боришни йўлга қўйиш лозим, — дейди Фарғона шаҳар 1-сонли шаҳар шифохонаси шифокори Бахтиёржон Ёқубов. — Негаки, дам олувчи қайси касалликлар қайси сиҳаттоҳда яшиш муолажа қилинишини аниқ билиб, даводаланишга борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Газетхонлар билан мана шундай самимий учрашувлар ташкил этилаётганидан жуда хурсандимиз, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолажон Аҳмедов. — Уқитувчи ва мураббийлар газетанинг энг фаол обуначилари десам муболаға бўлмайди. Шу боис таълим ва маданият соҳаси фидойилари фаолияти ҳақида ҳам кўпроқ ёритиб берилса, жуда яхши бўларди.

Шунингдек, тахририят вакиллари «Кўкон-2» пахта тозалаш заводига бўлиб, ишчиларга яратилган шартитлар билан яқиндан танишди. Корхонада 506 нафар ходим меҳнат қилади. Уларга етарли меҳнат ва дам олиш шартити яратилган.

Бизда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб, барча маҳсулотлар ўзимизда етиштириб берилади, — дейди корхона касба уюшма кўмитаси раиси Равшанжон Ортиқбоев. — Гушт, сут-қатиқ маҳсулотлари етарлики. Ҳаттоки, боғимизда етиштирилган мевалар қурилиб, қишга ўзимиз захира қиламиз. Бу ҳам бўлса маъмурият ва касба уюшма кўмитасининг ходимларга бўлган эътибори натижасидир.

Албатта, Фарғона вилоятида бўлиб ўтган ижодий учрашувлар ҳам бесамад кетмайди, талаб ва таклифлар тахририят томонидан инобатга олинчи, келгуси йил режаларига киритилади. Зеро, газета ўз муштарийлари билан «тирик».



Учрашувлар сўнггида Мустақиллигимизнинг ҳамда «Ishonch» газетаси ташкил топганининг 25 йиллиги муносабати билан чоп этилган «Ижод завқи» тўпلامининг тақдими ҳам ўтказилди. Тахририят ходимларининг шеър ва хикоялари жамланган «гулуста» муштарийлар томонидан илққ қутиб олинди.

Ўз муҳбирларимиз.

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдolari хабарномаси!

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси охири бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

2016 йил 17 ноябр кунги соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-ўй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.03.2016 йилдаги 10-1620/532-сонли хал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Қауа Текстиль» қўриқчи корхонаси кредиторларининг 01.11.2016 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 01.11.2016 йилдаги 54-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирзимов кўчаси, 50-ўй манзилида жойлашган умумий майдони 273,0 кв.метр, фойдалан майдони 253,0 кв.метрдан иборат омирхона бизнес тасарруф қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 (Олтин беш миллион) сўм!

Талабдорлар диққатига! Аукцион савдоси шу кунги бўлиб ўтган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2016 йил 24 ноябр кунги соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кўнлари 2016 йил 17 ноябр кунидида савдо учун 2016 йил 16 ноябр кунига қадар, 2016 йил 24 ноябрдаги савдо учун 2016 йил 23 ноябр кунига қадар (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси солиби 20 кўн мuddатда олди-сотиш шартномасини тузиш мажбурияти оқлатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истадида бўлган талабдорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закатат пуллари билан тўлашлари ҳамда жомеънинг шахслардан паспорт нусхасини, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончи вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказат тўлови учун рекавизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ, х/р: 20280001700234536001, АТЕ Кирлоқ қишлоғи б.к.а. Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокчида жойига қайти танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёқи қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Корхона тугатиш/суд бошқарувчиси тел рақами: 0(371) 276-20-67, (93) 541-19-55.

Аукцион ташкилотчиси:

«REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ. Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-ўй. Лицензия: RR-0170. Тел: 0(371) 233-21-18. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz. E-mail: rc\_group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

Тузатиш

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг 20.10.2016 йилдаги № 125 (3789)-сонли беришган аукцион савдоси хабарномаси бўйича берилган эълоннинг бошланғич баҳоси — 1 745 246 013 (Бир миллиард етти юз қирқ беш миллион икки юз қирқ олти миң ўн ўч сўм деган жумласи. Бошланғич баҳоси — 1 749 099 233 (Бир миллиард етти юз қирқ тўққиз миллион тўқсон тўққиз миң ўн юз ўттиз тўққиз) сўм деб ўқилиши.

Асос: «Шымбай АПН-40» масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчисининг 08.11.2016 йилдаги ҳати.

«FARG'ONA MULK SERVICES» МЧЖга бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Мухимий номидида Кўкон Давлат педагогика Институтини балансидидаги бошланғич баҳоси — 4 713 000 сўмлик, Тикко русумли, 1998 йилда и/ч, д/р: 40 114 NAA, техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йилнинг 13 декабр кунги соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабдорлардан талабномалар хабарнома чикаришдан бериб, иш кўнлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охири мuddат: 2016 йил 9 декабр соат 16:00.

Талабдорлар диққатига! Юқоридида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2016 йилнинг 13 декабр кунги савдода сотилган тақдирда, тақририй савдоси 2016 йилнинг 27 декабр кунги соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақририй савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «FARG'ONA MULK SERVICES» МЧЖнинг «Трастбанк» Фарғона филиалидида кунидидаги хўс-рақам мига тўлашлари лозим: Х/Р: 22604000600396342001. МФО: 01123. СТИР: 303054753. Манзил: Фарғона шаҳар, Машиқрат кўчаси, 22-ўй. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома: № 1894. Хизматлар лицензияланган.

«Shear» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bostmo toloq. Buyurtma f - 1115. 13675 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyyat xisob rakami: 2021 0000 0004 2052 7001, АТНБ «Ипотека Банк Янашбод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133899, ОКОНХ: 87100

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinsobari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUJUDLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 314-13-03. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-91) 233-69-07. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Qodirova. Navbatchi: S.Abdurahmonov. Musahhih: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abduljalilov. Boshiga topshirish vaqti: 21:20. Topshirildi: 21:30. 1 2 3 4 5 6

«Shear» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bostmo toloq. Buyurtma f - 1115. 13675 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Taxiriyyat xisob rakami: 2021 0000 0004 2052 7001, АТНБ «Ипотека Банк Янашбод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133899, ОКОНХ: 87100